


Ўзбекистон ва Франция: ўзаро тарихий алоқалар тикланмоқда



Тарихдан маълумки, икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар узоқ ва шонли ўтмишга эга. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўрта асрлар айнан буюк бобомиз саркарда, соҳибқирон Амир Темур даврига бориб тақалади.

Айнан Европани уйғониши ва ривожланиши ҳамда мазкур минтақада жойлашган давлатларни шаклланиши бевосита Амир Темур шахси билан чамбарчас боғлиқдир.

Амир Темур Европа қироллари билан олиб борган ва бизгача етиб келган тарихий ёзишмаларда сиёсий масалалар билан бир қаторда савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор қаратилган. Хусусан, икки томонлама савдо алоқаларини йўлга қўйиш, тижоратчиларнинг ўзаро қатнови учун қулай шароитлар яратиш масалаларига алоҳида урғу берилганлигини гувоҳи бўламиз.

Мазкур халқларни тарихий алоқалари бугун яна қайта жонланаётганини кўришимиз мумкин.

Бугун Франция ўзига хос тарихий ва маданий меросга эга мамлакат, улкан иқтисодий салоҳиятга, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятга эга дунёдаги энг йирик саноат марказларидан бири саналади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Франция-Ўзбекистон муносабатлари тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ишонч руҳида жадал ривожлантириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2018 йил октябрь ойида Европа қитъасига илк давлат ташрифини айнан Франция Республикасидан бошлаган эди.

Франция мамлакатимизнинг бугунги кунда Европа қитъасидаги энг йирик ҳамкори саналади.

Маълумки, жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Франция Республикасига борди. Ташриф чоғида Ўзбекистон раҳбари катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинганлигини алоҳида эътироф этишимиз жоиз. Мазкур тарихий учрашувда муҳим амалий натижаларга эришилди, икки давлат ўртасида жуда кўплаб битим ва меморандумлар имзоланди.

Расмий ташрифнинг илк кунда давлатимиз раҳбари ўз эътиборини Франциянинг етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари билан учрашув ўтказишга қаратди.

Францияга бошланган расмий ташриф доирасида Париж шаҳрида Франция тараққиёт агентлиги (ФАР) бош директори Реми Риу билан бўлиб ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги истиқболли лойиҳалар билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил” иқтисодиёт, шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти, банк-молия ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган умумий қиймати 1 миллиард еуродан ортиқ бўлган 2025 йилгача стратегик ҳамкорлик дастурини имзоланди.

Расмий учрашув давомида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев "MEDEF" Франция корхоналари ҳаракати бош директори Филипп Готье, «Airbus», «Orano», «Suez», «Alstom», «Total Eren», «EDF», «Schneider Electric», «Natixis» каби 20 га яқин йирик компания ва банклар раҳбарлари билан учрашди.

Мазкур учрашувда президентимиз асосий эътиборни инвестиция ва ишбилармонлик йўналишида келажакда олиб бориладиган ҳамкорлик масалаларига қаратар экан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, 22 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Париждаги тарихий Бурбон саройида Франция Миллий йиғини Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашувда Парламентлар ўртасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш бўйича ислохотларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашди.

Учрашувда ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, экологик муаммоларни ҳал этиш тўғрисидаги нормалар ва бошқа муҳим қоидаларни мустаҳкамлаб қўйиш кўзда тутилган конституциявий ислохотни амалга оширишга тайёргарлик борасидаги асосий ёндашувлар муҳокама қилинди.

Эътиборли жиҳати парламентлараро дўстлик гуруҳининг учрашувларини ўтказиш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европа Парламенти, Парламентлараро иттифоқ, ЕХҲТ Парламент ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди. Бу ўз навбатида мамлакатимиз парламент дипломатиясини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Париждаги Елисей саройида икки мамлакат президентларининг музокаралари кўплаб йўналишларда икки томонлама алоқаларни жадал суръат билан ривожлантиришга туртки беради.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда республикамизда Франция компаниялари иштирокидаги қўшма корхона ва лойиҳалар сони уч баробар кўпайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг жорий портфели 5 миллиард евродан ошди.

Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, “яшил” иқтисодиёт, коммунал, гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларда иштирок этаётган Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга ташрифи давомида Ўзбекистон-Франция ишбилармонлари билан музокаралар доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзоланди. Бу ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётини замонавий тамойиллар асосида ривожлантириш имконини беради.

Икки давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан мулоқотидаги яна бир улкан ютуқ ҳисобланади.

Францияни Европадаги локомотив давлатлардан бири ҳамда Европа иттифоқидаги сиёсий ўрни юқорилиги инobatга олинса, бу жараён ўзбек дипломатияси учун стратегик аҳамиятга эгадир.

Умуман олганда ушбу мулоқот икки давлат ўртасидаги муносабатларга янгича суръат бағишладан ташқари халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

А.САНГИНОВ,

**Олий Мажлис Сенати
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси аъзоси**

Узун тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати